

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Наманган вилоят ҳокимлигининг
ягона буюртмачи инжиниринг
компанияси директори




Д.Матмусаев

2022 йил

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИНИ МАЗМУНИ:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Наманган вилояти, Норин туман Найманобод МФЙдаги 18-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш объектини лойиха-смета хужжатларини (бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) тайёрлаш

1.2 Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 45 080 000 сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5. Ишларни бошланиш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИСИ

2.1. Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Наманган шаҳар Амир Темур кўчаси -105 уй, электрон адрес: namuyagona@exat.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 4 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий ва бошқа талаблар қуйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома, (агар халқаро сертификат мавжуд бўлса);
- Танлов таклифини таъминлаш тўғрисидаги Декларация;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ҳодимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳаланадиган объектни ўрганганлик тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;

- Танловдаги охирги 3 йиллик иш тажрибаси (шу жумладан танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича);
- Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати.
- Лойихалаш жараёнидаги зарур ҳолларда махсус лицензияга эга бўлган ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот;
- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Танлов таклифини таъминлаш тўғрисида

ДЕКЛАРАЦИЯ

(Лойихачи ташкилот номи)

_____ учун
лойиха-

(Лойихаси тайёрланадиган объект номи)

смета хужжатларини тайёрлаш бўйича

Кимга: Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига

Биз қуйида имзо чекувчилар, шуни билдирамизки:

Контракт шартномаларига мувофиқ, танлов таклифимиз ушбу таклифни таъминлаш тўғрисидаги Декларация билан қўллаб қувватланади.

Агар танлов шартлари бўйича мажбуриятларимиз қуйидагилар оқибатида биз томонидан бузилганда, Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси билан Инвестиция дастурлари ва маҳаллий бюджет маблағлари бўйича тузиладиган ҳар қандай контракт учун танлов таклифини тақдим этиш ҳуқуқини Буюртмачининг билдиришномаси олинган пайтдан бошлаб 5 йиллик даврга йўқотишимизни қабул қиламиз:

- Танлов таклифномасида кўрсатилган танлов амал қилиш даврида бизнинг таклифимизни қайтариб чиқариб олсак;
- танловни амал қилиш даврида бизнинг таклифимиз қабул қилинганлиги тўғрисида буюртмачидан билдиришнома олганимиздан сўнг, контрактни бажариш талаб этилганда контрактни бажармасак ёки бажаришдан бош тортсак, контрактни бажариш кафолатномасини тақдим қилмасак, ёки тақдим қилишдан бош тортсак.

Танлашда бизнинг таклифимиз ғолиб деб топилмаган тақдирда, мазкур декларация ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

(имзо)

_____ (Ташкилот номи)

_____ (фамилияси ва исми)

М.Ў

2022 йил “ _____ ” _____

Лойихачи ташкилот _____нинг ташкилий структураси

(ташкilot номи)

Ушбуни тузилган сана: « _____ » _____ 20 ____ г.

(Исми ва фамилияси)

Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот

Танлов иштирокчисининг номи _____
 Раҳбарнинг фамилияси исми,
 ва отасининг исми _____
 Манзил ва телефон (факс) рақами _____
 Юридик мақоми _____
 Ташкил этилганлиги санаси (буйруқ ёки қарор қим томондан берилган) _____
 Фаолияти тури буйича ихтисослашуви _____

Раҳбар ва унинг уринбосарлари:

Тар. рақами	Ф.И.Ш.	Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Умумий иш тажрибаси
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (ГИП,ГАП ва бошқалар)

Тар. рақами	Ф.И.Ш.	Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Умумий иш тажрибаси
1	2	3	4	5	6

Доимий ходимлари (ишчилар)

Тар. рақами	Мутахасисликлар номи	Мутахасислиги бўйича жами ходимлар сони	Шундан мутахасислигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлганлар	Шундан ЛСХ тайёрлаш соҳасида 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлганлар
1	2	3	4	5
	Жами:			
	Шундан			
	ГИПлар			
	ГАПлар			
	Лойихачилар			
	Сметчиклар			
	ва бошқалар			

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги ҳар қандай нотўғрилиқ ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуктаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__ йил «__» _____
 М.Ў.

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати.

охирги 3 йилдаги молиявий ҳисоботлари асосида

Танлов иштирокчисининг номи _____

(минг сум)

АКТИВЛАР	2019 й.	2020 й.	2021 й.	ПАССИВЛАР	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Узоқ муддатли активлар				Узлик маблағларнинг манбалари			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шу жумладан ишлаб чиқариш захиралари				Таксимланмаган фойда			
ҚОЛДИҚ киймат				Мажбуриятлар			
Капитал куйилмалар				Заёмлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарзлар			
Жорий активлар				Шундан тулов муддати утган қарзлар			
Айланма маблағлар				Шундан бюджет буйича қарзлар			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Мехнатга ҳақ тулаш буйича қарзлар			
Дебитор қарзлар							
Шу жумладан тулов муддати утган қарзлар							
Жами баланс актив буйича				Жами баланс пассив буйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(минг Сум)

НОМИ	2019 й.	2020 й.	2021 й.	НОМИ	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1. Махсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум				8. Соф фойда			
2. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойда				Шу шундан асосий фаолиятдан фойда			
3. Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннарни				Умумхужалик фаолиятидан			
4. Административ харажатлар				9. Асосий фаолиятнинг фойдаси			
5. Бошка харажатлар				10. Умумхужалик фаолиятнинг фойдаси			
6. Даромад солиги тулангунга қадар фойда				11. Зарар			
7. Даромаддан солиқ				Шу жумладан: асосий фаолиятдан			
				Умумий хужалик фаолиятидан			

Баланс фойдаси _____

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги ҳар қандай нотўғрилиқ ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Раҳбар _____
(имзо)Бош ҳисобчи _____
(имзо)

М.Ў.

Ушбу тузилган сана: 20__ йил «__» _____

Ушбу шаклга “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

**Танлов иштирокчисининг охири уч йилда
бажарган иш тажрибаси**
(2019 й.-2020 й.-2021 й.)

Танлов иштирокчисининг номи: _____

Ахборотингизда сўралган йиллар давомида ўзингиз иштирок этган барча объектларини санаб ўтишингизни сўраймиз

№	Объектнинг номи ва жойлашув манзили	Буюртмачининг номи	Тузилган пудрат шартноманинг нархи	Катнашиш шакли (бош пудратчи ёки ёрдамчи пудратчи)	Катнашиш улуши (бажарилган иш хажмини фоизлар ҳисобида кўрсатинг)
		2019 йил			
		2020 йил			
		2021 йил			

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фукаролик ва жиной нуктаи назардан жавобгармиз.

Рахбар: _____
(имзо) (Ф.И.Ш)

Ушбу тузилган сана: 20__ йил «__» _____
М.Ў

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан
имзоланган ва мухрланган бўлиши керак.

**ЛОЙИХАЛАШ (ҚУРИЛИШ) МАЙДОНЧАСИНИ
КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланади-ки, мен _____ си бошлиғи _____, Наманган вилояти, _____ объектини лойиха-смета хужжатларини бажариш бўйича ажратилган қурилиш майдончаси ва унга туташ ҳудудларда бўлдим, қурув ўтказдим, шунингдек:

а) ҳудудни батафсил ўргандим;

б) лойихалаш хужжатларини ўргандим.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, лойихалаш ишларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__ йил «__» _____
М.Ў.

**Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида
фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари рўйхати**

Оргтехника ва механизмлар номи	Русуми	Донаси	Ишлаб чиқарилган йили	Куввати

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги ҳар қандай нотўғрилиқ ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__ йил «__» _____
М.Ў.

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан
имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

**ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА
ЁРДАМЧИ ЛОЙИХА ТАШКИЛОТНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 20__ йил «__» _____
М.Ў.

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан
имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Изоҳлар:

3-шаклга кейинги 3 (уч) йиллик “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

Танлаш таклифларини баҳолашда ёрдамчи лойиҳачи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди.

Танлов иштирокчиси янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича баҳолаш якунларига кўра 70 баллдан кам балл тўпласа, мукамал таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, жорий таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 50 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди. Шунингдек, солиқ бошқармасидан маълумот тақдим этилмаса ҳам ҳужжатлар баҳоланмайди.

Иштирокчиларнинг таклифлари қуйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий ҳисоблаш мезонларига биноан баҳоланади:

Танлов ҳужжатларига қуйидагилар ҳам илова қилинади.

- Лойиҳалаш ишларини бажариш бўйича Қурилиш вазирлиги томонидан берилган лицензия нусхаси илова қилинади.
- Юридик шахсни Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси илова қилинади.
- Лойиҳачи ташкилотга халқаро сертификат берилган бўлса илова қилинади.